

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказиш ТАРТИБИ

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда – таълим муассасаси) ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги ПҚ-96-сон қарорига мувофиқ ўтказилади.

1.2. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкилотчилари – Халқ таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва “Заковат интеллектуал клуби” нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

1.3. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкилотчилари томонидан ушбу ўйинни ўтказишга масъул Ташкилий гуруҳ тузилади.

2-боб. Ўйиннинг ташкилий гуруҳи

2.1. Ташкилий гуруҳ (кейинги ўринларда – ТГ) ўйинни тайёрлаш ишларини олиб боради ва уни ўтказиш бўйича масъул бўлади.

2.2. ТГ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўйин ўтказиладиган куни ва жойини белгилаш;
- ўйин ҳайъати ва апелляция ҳайъати таркибини белгилаш;
- ўйинни ушбу тартибга мувофиқ ўтказишни таъминлаш ва натижаларини умумлаштириш;
- ўйин қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш;
- бошқа органлар вазифаси бўлмаган бахсли вазифалар бўйича қарор қабул қилиш;
- ўйин натижаларини эълон қилиш.

3-боб. Савол тузувчилар ва муҳаррирлар гуруҳи

3.1. Савол тузувчилар ва муҳаррирлар гуруҳи таркиби “Заковат” интеллектуал клуби ННТ томонидан шакллантирилади.

3.2. Савол тузувчилар ва муҳаррирлар гуруҳи “Заковат” интеллектуал клуби ННТ билан тузиладиган махфийлик тўғрисидаги келишув асосида фаолият олиб боришади.

3.3. Савол тузувчилар ва муҳаррирлар гуруҳи қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари махфийлик тўғрисидаги келишувда белгиланади.

4-боб. Ўйин ҳайъати

4.1. Ўйин ҳайъати (кейинги ўринларда – ЎХ) ТГ томонидан мусобақа бошлангунга қадар тайинланади.

4.2. ЎХ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- жамоалар томонидан берилган жавобларни ҳисобга олиш бўйича қарор қабул қилиш;
- тур (ўйин) бирламчи натижаларини умумлаштириш ҳамда техник хатолар аниқланганда ва апелляция қабул қилинган ҳолларда уларга тузатишлар киритиш;
- натижалар жадвалини олиб бориш ва жамоалар жавоблари ёзилган варақаларни сақлаш.
- ўйин давомида ўйин тартибига амал қилинишини жорий назорати;
- ўйин қоидаларига зид ҳолатлар аниқланган тақдирда, қоида бузган жамоани ўйиндан четлатиш ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштириш;
- ўйин давомида зарурат туғилганда айрим саволларни захира саволлари билан алмаштириш.

4.3. ЎХ таркиби камида 2 кишидан иборат бўлиши лозим.

4.4. ЎХ жавоблар тўғри-нотўғрилигини мустақил ўзи белгилайди.

4.5. Ўйин қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда ЎХ мусобақа тартибининг тегишли бандларига амал қилиши шарт.

4.6. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг турли босқичларида ва турли ҳудудлардаги ўйинларда ЎХнинг таркиби ўзгариши мумкин.

4.7. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини иштирокчиларининг ЎХ билан ўйин давомида мулоқот қилиши тақиқланади. Турлар ўртасидаги танаффус давомида ЎХ билан ўйин юзасидан фақат жамоа сардори ёки жамоа сардори тайинлаган жамоа аъзоси мулоқот қилиши мумкин.

4.8. ТГ ЎХ аъзосини ўз вазифаларини бажара олмаган тақдирда ўйиндан четлатиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бошловчи

5.1. Бошловчи таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинларида саволларни эълон қилиб боровчи шахс.

5.2. Бошловчи ЎХ таркибига кирувчи шахс ҳисобланади. Зарур ҳолларда бошловчилик ЎХ таркибига кирмаган шахсга топширилиши мумкин. Бунда бошловчилик таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этаётган жамоанинг аъзосига ёки мураббийига топширилиши мумкин эмас.

5.3. Бошловчи вазифаларини қониқарсиз равишда бажарган тақдирда ТГ томонидан алмаштирилиши мумкин.

5.4. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг турли босқичларида ва турли ҳудудлардаги ўйинларда бир нечта бошловчилар бўлиши мумкин.

5.5. Бошловчи қўйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- саволлар матнини, жавобларини ва саволнинг бошқа қисмларини эълон қилиш;
- секундантлар фаолиятини жорий назорат қилиш;
- ўйин давомида ўйин тартибига амал қилинишини жорий назорат қилиш;
- автоматик санок тизими мавжуд бўлмаганда вақт ҳисобини олиб бориш.

5.6. Бошловчининг мажбуриятлари:

- яхши дикцияга эга бўлиши ва ўзбек тилида равон сўзлаши;
- саволларни аниқ ва тушунарли ўқиб бериши ёки аудиоёзувни сифатли қўйиб бериши.

5.7. Бошловчининг ҳуқуқлари:

- ўйин материаллари билан олдиндан танишиб олиш;
- зарур бўлганда саволнинг бутун матнини ёки бирон қисмини такроран ўқиб бериш;
- истисно тариқасида баъзи иштирокчиларга ўйин ўтказилувчи жойдан кетишига рухсат бериш;
- ўйин тартиби талабларини бузиш ҳолатларини қайд қилиш ва улар тўғрисида ЎХ ёки ТГ га хабар бериш.

6-боб. Апелляция ҳайъати

6.1. Апелляция ҳайъати (кейинги ўринларда – АХ) жамоаларнинг апелляциялари бўйича қарор қабул қилувчи комиссиядир. АХ қарори якунийдир.

6.2. АХ таркиби ўйин бошлангунга қадар шакллантирилган бўлиши керак. АХ вазифалари ЎХ зиммасига юклатилиши мумкин, ушбу ҳолларда АХнинг барча ҳуқуқ ва вазифалари ЎХга юклатилади.

6.3. АХ аъзолари ўйинда шахсан иштирок этади.

6.4. АХ камида 3 нафар аъзо ва 1 нафар котибдан иборат бўлади.

6.5. ТГ томонидан тайинланувчи АХ котиби ўйнаётган жамоалар апелляциясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади ҳамда АХ га етказади. АХ котиби АХ аъзоси ҳисобланмайди ва апелляция муҳокамасида иштирок этмайди.

6.6. АХ зарур ҳолларда маълумот олиш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиши ҳамда интернет воситалари ёки бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин.

6.7. АХ очик овоз бериш йўли орқали қарор қабул қилади. Бунда оддий кўпчилик овоз қондаси амал қилади. Яъни 3 кишидан 2 киши “ҳа”, 1 киши “йўқ” деб овоз берган бўлса, унда ўша жавоб қабул қилинади ёки аксинча. АХ аъзолари бетараф қолиши мумкин эмас.

6.8. Ўйин давомида таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини иштирокчиларини АХ билан мулоқат қилиши тақиқланади. Турлар ўртасидаги танаффус давомида, натижалар эълон қилингунга қадар ёки берилган апелляциялар юзасидан ўйинчиларнинг АХ билан мулоқотига фақат АХ ташаббуси билан рухсат берилади.

6.9. АХ аъзосини ўйиндан четлатиш ёки алмаштириш ТГ томонидан амалга оширилиши мумкин.

7-боб. Секундантлар

7.1. Секундант вазифаси ЎХ, АХ таркибига кирмаган, шунингдек, таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этаётган жамоаларнинг аъзоси ёки мураббийи бўлмаган шахсларга юклатилиши мумкин. Ўйин давомида секундант бошловчи ёрдамчиси бўлиб, унинг кўрсатмаларини бажаради.

7.2. Секундант вазифаларига қуйидагилар қиради:

- саволлар учун иллюстрация материалларини тарқатиш;
- жавоб ёзилган карточкаларни йиғиш;
- ўйин давомида ўйин тартибига амал қилинишини жорий назорат қилиш. Хусусан, секундантлар жамоалардаги иштирокчилар сони 6 нафардан ошмаслиги ҳамда жамоалар саволни муҳокама қилиш қоидаларига амал қилишларини кузатадилар.

7.3. Секундантнинг ҳаққи йўқ:

- тарқатма материалга ёки йиғиб олинган жавоб ёзилган карточкаларга қандайдир тузатиш ёки ўзгартириш киритиш;
- ҳар қандай жамоага бошқа жамоалар томонидан берилган жавоблар тўғрисида маълумот бериш;
- жавоб ёзилган карточкаларни бошловчи ва ЎХ аъзоларидан бошқаларга бериш ёки кўрсатиш.

7.4. Агарда, секундант нуқтаи-назарига кўра, жамоа ёки жамоа аъзоси ўйин қоидаларини бузган бўлса, секундант бу ҳақда ЎХга хабар беради. Агарда қоидабузарлик муҳокама дақиқаси пайтида содир этилган бўлса ва бу ҳақда ЎХга бериладиган хабар жамоаларга берилган саволни муҳокама қилишга ҳалал берса, секундант муҳокама дақиқаси тугагандан сўнг ЎХни бу ҳақда огоҳлантиради. ЎХ барча керакли маълумотларни (мисол учун, жамоа ва савол рақами) қайд қилади ва қоидабузарларни жазолаш тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Шундан сўнг ўйин давом этади.

7.5. Секундантлар, шунингдек ЎХ га жамоа савол жавобини кеч топширганлиги тўғрисида маълум қилиши мумкин. Кеч топширилган жавобларга, тўғри бўлган тақдирда ҳам, балл берилмайди.

7.6. Ҳар бир секундантга 10 тадан ортиқ бўлмаган жамоа тўғри келиши керак. Ўйин бошланишидан олдин ҳар бир жамоа маълум секундантга бириктириб қўйилиши тавсия қилинади.

Ўйин давомида бошловчи ёки ЎХ қўшимча секундантларни жалб қилиши ёки маълум секундантни бир қанча жамоага бирлаштириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

7.7. Агар секундант зиммасига юкланган вазифаларни бажара олмаса, бошловчи ёки ЎХ томонидан алмаштирилиши мумкин.

8-боб. Интеллектуал ўйин иштирокчилари

8.1. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини иштирокчилари Ўзбекистон Республикасидаги мактаблар ва уларнинг филиалларида таҳсил олувчи ўқувчилар ҳисобланади.

8.2. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этувчи ўқувчиларни аниқлаш учун умумтаълим мактаби томонидан ихтиёрий равишда ички ўйин ташкил қилиниши тавсия қилинади.

8.3. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этувчи иштирокчилар рўйхати ТГга таълим муассасаси томонидан 1-иловага мувофиқ берилган аризалар асосида шакллантирилади.

8.4. Ариза тегишли умумтаълим мактаби директорининг имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади.

8.5. Тегишли умумтаълим мактаби директори аризада кўрсатилган маълумотларни тўғрилигига шахсан жавобгар ҳисобланади.

8.6. Аризада камчилик аниқланган тақдирда ТГ томонидан тегишли мактаб жамоасига таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида қатнашишга рухсат берилмаслиги мумкин.

8.7. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг ҳар қандай босқичида мактаб жамоаси таркибида фақатгина ўйинида иштирок этиш учун берилган аризада кўрсатилган ўқувчилар қатнашиши мумкин.

8.8. Бир вақтнинг ўзида ўйин столида 6 нафардан ортиқ иштирокчи бўлиши мумкин эмас. Айни дамда ўйинида иштирок этмаётган жамоа аъзолари захира деб аталади. Иштирокчини алмаштириш (захирадаги жамоа аъзосини ўйинга жалб қилиш) фақатгина турлар орасидаги танаффусда амалга оширилиши мумкин. Тур бошланишига кеч қолган ўқувчи ўз ўрнини эгаллашига рухсат берилмайди. Тегишли мактаб жамоаси ушбу турни камчиликда ўтказди.

8.9. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этувчи жамоаларнинг аъзолари ва мураббийлари ушбу ўйиннинг у ёки бу босқичида ЎХ, АХ, бошловчи ва секундант бўлишлари мумкин эмас.

9-боб. Интеллектуал ўйинни ўтказиш босқичлари

9.1. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини уч босқичда бўлиб ўтади.

Биринчи босқич — туман босқичи;

Иккинчи босқич — вилоят босқичи;

Учинчи босқич — республика босқичи.

9.2. Туман босқичида 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

9.3. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўйинсининг туман ва вилоят босқичлари жами 30 та саволдан иборат бўлган уч турда ўтказилади. Ушбу тартибнинг 10-боби 1-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

9.4. Вилоят босқичида 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

9.5. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг Республика босқичи жами 48 та саволдан иборат бўлган тўрт турда ўтказилади.

10-боб. Интеллектуал ўйин ўтказиладиган жой

10.1. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказиш учун белгиланган зал ўйинда иштирок этувчи барча жамоаларни сиғдира оладиган даражада катта бўлиши керак. Агар жамоалар сони кўп бўлса ва ўйин учун белгиланган залга бир вақтнинг ўзида барча жамоаларни жойлаштириш имкони бўлмаса, босқичдаги 1-2- ва 3-ўринларни аниқлаб олгунга қадар жамоалар учун алоҳида-алоҳида ўйинлар ташкил қилиниши мумкин.

10.2. Ўйин ўтказиладиган жойда ўйиннинг тегишли босқичида иштирок этувчи барча жамоаларга имкон қадар, ўйин учун бир хил шароит яратилиши, шу жумладан, жой етарли даражада ёритилиши, ҳавонинг ҳарорати мўтадил бўлиши ва ортиқча шовкин бўлмаслигини таъминлаш зарур. Барча жамоалар саволларни яхши эшитиш имконига эга бўлиши керак. Бунда саволларни ўқиш жараёнида овоз кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланилиши мумкин.

10.3. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказиладиган жойда ҳар бир жамоага биттадон стол ва олтитадан стул бўлиши лозим.

10.4. Ўйин столи, жуда катта ҳам, жуда кичик ҳам бўлмаслиги, ўқувчилар атрофига сиғишлари учун етарли даражадаги катталиқда бўлиши керак. Бунда ўйин ўтказиш учун ажратилган столлар доира шаклида бўлиши тавсия қилинади.

10.5. Жамоаларнинг столлари орасидаги масофа камида 1,5 метрни ташкил қилиши лозим. Бошловчи, ЎХ, АХнинг столи (иш жойи) билан энг яқин ўйин столи ўртасидаги масофа 2 метрдан кам бўлмаслиги керак.

ЎХ олдиндан ёки ўйин давомида маълум ўйин столларини маълум жамоаларга бириктириб қўйишга ҳақли.

10.6. Бошловчининг иш жойи, қоида тариқасида, стол ва ўриндикдан иборат бўлади. УХ ва АХ иш жойлари топшириладиган жавоблар, натижалар жадвалларини жойлаштириш ва тартиблаш имконини берадиган даражада катталиқдаги стол ва етарли стуллар билан таъминланиши керак. Бошловчи, ЎХ ва АХ стол ва стуллардан биргаликда фойдаланиши мумкин.

10.7. Ҳар бир жамоа турдаги саволлар сонига мос равишда жавоб учун карточкалар билан таъминланиши керак. Карточкаларда жамоа номи, тартиб рақами, тур ва савол тартиб рақами учун жой аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ушбу маълумотлар ҳамда жамоанинг жавоб варианты жавоб карточкасининг бир томонида бўлиши керак. Намунавий жавоб карточкаси 2-иловада кўрсатилган.

10.9. Ўйин давомида ЎХ натижалар жадвалини тўлдириб боради. Жадвалларни тайёрлаш ва тўлдириш қўлда ёки компьютер техникаси орқали бажарилиши мумкин. Ҳар бир тур якуни ва ўйин якунида барча жамоаларга натижалар жадвали билан танишиш имкони берилиши керак. Проектор қурилмасидан фойдаланилганда натижалар жадвалини экран орқали намоиш қилиш ҳам мумкин.

10.10. ТГ ва ЎХ ўйинларни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа техник қурилмалардан фойдаланиши мумкин.

10.11. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказиладиган жойда, ўйин ўтказилаётган вақтда жамоанинг 6 та иштирокчисидан ташқари бошқа шахслар бўлиши тақиқланади. Бунда турлар бошланишидан аввал ўйинда иштирок этмайдиган шахсларнинг барчаси ўйин ўтказилаётган жойдан чиқариб юборилади.

11-боб. Интеллектуал ўйинни ўтказиш тартиби

11.1. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этувчи жамоаларнинг мақсади — ўйин давомида бошқа жамоаларга нисбатан кўпроқ саволларга тўғри жавоб беришдан иборат.

11.2. Жамоаларга бир пайтда бир хил савол берилади. Савол ўқиб эшиттирилгач, бошловчи “вақт кетди” ишораси берилмагунча жамоалар муҳокамага киришмасликлари лозим. Шундай ҳолат кузатилган тақдирда қоидадан бузган жамоага фальстарт эълон қилинади ва тегишли жамоа ушбу саволга жавоб беришдан маҳрум қилинади.

11.3. Ҳар бир саволни ўйлаш учун 1 дақиқа вақт берилади. Бошловчи 50 сония бўлганда вақт тугашига 10 сония қолгани ҳақида огоҳлантиради.

11.4. Бир дақиқа вақт тугагач, жамоалар ўз жавобларини жавоб карточкаларига ёзишлари учун яна қўшимча 10 сония берилади. Бунда бошловчи 10 дан 1 гача овоз чиқариб санайди.

11.5. Жамоалар савол берилиб, “вақт кетди” ишораси билдирилгандан сўнг жами бир дақиқаю 10 сония тугаган пайтда жавоб вариантларини ёзиб, жавоб карточкаларини баланд кўтарган ҳолда туришлари лозим. Бунда тасодифий қилинган хатоларни жавоб карточкаси топширилгунга қадар тўғирлаш мумкин.

11.6. Жамоаларнинг жавоб вариантлари олдиндан махсус тайинланган секундантлар томонидан йиғиб олинади ва ЎХга топширилади. Жавоб карточкалари жамоа аъзолари томонидан мустақил олиб келинишига йўл қўйилмайди.

11.7. Ўз вақтида жавоб карточкаларини кўтаришга улгурмаган жамоанинг жавоби тўғри бўлган тақдирда ҳам ушбу савол учун балл берилмайди.

11.8. Жавоб варианты тушунарли ҳусниҳат билан ёзилган бўлиши ва аниқ жавобни кўзлаши лозим. Мантиқий тугалланмаган жавоб варианты қабул қилинмайди.

11.9. Жавоб карточкасида фақат 1 та жавоб варианты акс этиши лозим. Икки ёки ундан ортиқ вариант ёзилган жавоб вариантлари, гарчи улардан бири тўғри бўлса ҳам, қабул қилинмайди ва жамоага ушбу савол учун балл берилмайди.

11.10. Устига чизилган, устидан бўялган ёки қавсга олинган жавоб вариантлари ҳисобга олинмайди.

11.11. Муҳокама давомида иштирокчиларга бошқа жамоаларга ҳалакит бериш, ўз жойини тарк этиш, ўз жойига қайтиш, маълумотнома ёки ҳар қандай турдаги нашрлардан фойдаланиш, шунингдек маълумотнома ва нашрларга мурожаат қилиш имконини берувчи техникадан фойдаланиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш, ўйин столида бўлган жамоасининг аъзоларидан ташқари ҳар қандай шахс билан ҳар қандай усулда мулоқатга киришиш тақиқланади. Жумладан, бошловчи ва секундантлар билан мулоқат қилиш тақиқланади.

11.12. Муҳокама давомида иштирокчилар маълумотнома ёки ҳар қандай турдаги нашрлардан фойдаланишаётгани, шунингдек маълумотнома ва нашрларга мурожаат қилиш имконини берувчи техникадан фойдаланишаётгани, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланишгани аниқланса, ушбу жамоа шу заҳоти интеллектуал ўйиндан четлатилади ва баллари бекор қилинади. ЎХ бу ҳақдаги далолатномани ўйиндан сўнг расмийлаштиради.

11.13. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўйинлари давомида иштирокчиларнинг ўйин жараёнига ҳалакит қиладиган хатти-ҳаракатлар (ўрнидан туриш, ҳақоратли сўзлар ишлатиш, рақиб жамоа, иштирокчи ва ташкилотчиларга ҳурматсизлик қилиш ва ҳ.к.) қилиши тақиқланади.

Бундай ҳолатда иштирокчи ёки унинг жамоаси ўйиндан четлаштирилиши ёки иштирокчи жамоаси 1 баллдан 3 баллгача жарима тариқасида жазоланиши мумкин.

11.14. Ҳар бир саволга берилган тўғри жавоб учун бир баллдан берилади. Ўйинда энг кўп балл олган жамоалар ғолиб сифатида топилади.

11.15. Жамоалар томонидан берилган жавоб вариантларини ҳисоблаш ЎХ зиммасига юклатилади.

11.16. ЎХ жамоа томонидан берилган жавоб вариантини аниқ жавобга тўғри ёки нотўғри эканлигини мустақил баҳолаб, жамоага балл бериш масаласини ҳал қилади ва турнир натижалари ҳисобини олиб боради.

11.17. ЎХнинг қарори АХ қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

11.18. Агар совринли ўринлар учун икки ёки ундан ортиқ жамоалар бир хил балл олса, унда улар ўртасида биринчи тўғри/нотўғри жавобгача қўшимча саволлар берилади. Совринли ўринларга даъвогарлик қилмайдиган бир нечта жамоалар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилмайди.

12-боб. Апелляция тартиби

12.1. Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг ҳар қандай босқичида юзага келадиган баҳсли вазиятларни ҳал қилиш учун Апелляция ҳайъати (кейинги ўринларда – АХ) ташкил этилади.

12.2. Жамоа сардори эълон қилинган натижалар бўйича умумий натижалар эълон қилингандан сўнг АХга 3-иловага мувофиқ аввалдан тарқатилган апелляция формасига ёзган ҳолда мурожаат билан чиқиши мумкин.

12.3. Апелляция ҳар бир босқич ўйинси тугагандан сўнг 30 дақиқа ичида қабул қилинади.

12.4. Қуйидаги мазмундаги апелляциялар қабул қилинади:

1) жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг ҳисоб комиссияси балл бермаган савол(лар)га берган жавобини ҳисоблаш учун қилган мурожаати;

2) саволни нотўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг савол матнида ёки жавобида фактик хатолар борлиги учун саволни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қилган мурожаати.

Бошқа мазмунда берилган апелляциялар (масалан, бошқа жамоаларнинг жавобини ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик бўйича) қабул қилинмайди.

12.5. Апелляция бериш учун жамоадан жамоа сардори ёки жамоа сардори томонидан танланган жамоа вакилидан бошқа вакилларнинг АХ олдида келиши, яқинлашиши, апелляция жараёнига аралашishi қатъиян ман этилади. Ушбу ҳолат содир бўлган тақдирда жамоа апелляция бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Апелляция натижасида ҳисобланган баллари ҳам бекор қилинади.

12.6. Апелляция махсус тайинланган АХ томонидан кўриб чиқилади. Ушбу жараёнга бошқа шахсларнинг аралашиши тақиқланади.

12.7. Агар саволнинг нотўғрилиги учун апелляция тушмаган бўлса, унда АХ саволни ўз ташаббуси билан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

12.8. Агар АХ қарори натижасида нотўғри савол ҳисобдан чиқарилса, унда ўша савол учун барча жамоаларнинг баллари бекор қилинади ва ўша савол бўйича апелляциялар ҳам кўриб чиқилмайди. Ҳисобдан чиқарилган савол ўрнига бошқа савол ўйналмайди.

12.9. Жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция келиб тушмаган бўлса ҳам, АХ худди шу савол бўйича берилган бошқа апелляция натижасида жамоаларга балл ёзиши мумкин.

12.10. АХ апелляция натижалари бўйича сўнги қарорни ўйин ўтказилган кундан кечикмаган ҳолда қабул қилади.

12.11. Апелляциядан кейинги ўзгаришлар ЎХ томонидан жамоаларга маълум қилинади.

13-боб. Яқуний қоидалар

Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини давомида мазкур Тартибда назарда тутилмаган ҳолатлар юз берса, бундай ҳолатлар таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг ўтказиш бўйича Ташкилий гуруҳ томонидан ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳал этилади.

Мазкур Тартибга таълим муассасаси ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг бўйича Ташкилий гуруҳ томонидан ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган
“Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этиш учун

АРИЗА

_____ вилояти _____ тумани №_____ - сонли мактабдан “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Заковат” интеллектуал ўйини”да иштирок этиш учун қуйидаги ўқувчилар қатнашишига рухсат беришингизни сўраймиз.

Жамоа таркиби:

Т/р	Ф.И.О.	Ўқувчининг фотосурати	Ким сифатида қатнашади	Туғилган йили	Паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами
1			Жамоа сардори		
2			Жамоа аъзоси		
3			Жамоа аъзоси		
4			Жамоа аъзоси		
5			Жамоа аъзоси		
6			Жамоа аъзоси		
7			Жамоанинг захира аъзоси		
8			Жамоа мураббийи	Тел.:	

_____ вилояти _____ тумани №_____ - сонли мактаб директори А.А.Абдуллаев

Имзо ва муҳр ўрни

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган
“Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этиш учун
намунавий жавоб карточкаси

Жамоа: _____

Тур № _____

Савол №: _____

Жавоб:

АПЕЛЛЯЦИЯ УЧУН АРИЗА

Жамоа номи _____

Апелляция №1		Апелляция №2	
Тур рақами		Тур рақами	
Савол рақами		Савол рақами	
Апелляциянинг мазмуни:		Апелляциянинг мазмуни:	
Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.	Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.
Апелляция №3		Апелляция №4	
Тур рақами		Тур рақами	
Савол рақами		Савол рақами	
Апелляциянинг мазмуни:		Апелляциянинг мазмуни:	
Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.	Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.
Апелляция №5		Апелляция №6	
Тур рақами		Тур рақами	
Савол рақами		Савол рақами	
Апелляциянинг мазмуни:		Апелляциянинг мазмуни:	
Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.	Апелляция ҳайъати қарори:	☐ Жавобни тўғри деб қабул қилиш; ☐ Жавобни қабул қилмаслик.